аудит амалларини ўтказгандан сўнг, шунингдек, жорий активларни тайинлаш билан боғлиқ қоидабузарликларни аниқлаш бўйича чоралар кўрилгандан сўнг, молиявий ҳисобот ва молиявий ҳужжатлар корхонанинг жорий активларига нисбатан ишончли, деб хулоса қилиш мумкин.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. *Cicilia Ionescu, Cornel Ionescu. Frauds and Errors in the Audit of Financial Statements. //Procedia of Economics and Business Administration ISSN: 2392-8166, ISSN-L: 2392-8166. September 2016.*
2. *Dusmuratov R.D. Auditning xalqaro standartlari. O'quv q'ollanma. –T.: TDAU, 2019. -130 b.*
3. *Jacqueline S. Hammersley. A Review and Model of Auditor Judgments in Fraud-Related Planning Tasks. //Auditing: A Journal of Practice & Theory American Accounting Association Vol. 30, № 4. November 2011 pp. 101–128.*
4. *International federation of Accountants [Электронный ресурс] / URl: https://www.ifac.org/auditing-assurance/clarity-center/ clarified-standards*
5. *Karimov A.A., Muqumov Z.A., Xodjayeva M.H., Avlokulov A.Z. Xalqaro audit. Darslik. –T.: Iqtisod-moliya, 2020. -424 b.*
6. *Когденко В. Корпоративное мошенничество: анализ схем присвоения активов и манипулирования отчетность. //Экономический анализ: теория и практика. 2015. № 4 (403). С. 2-13.*
7. *Lajos Zager, Sanja Sever Malis, Ana Novak. The Role and Responsibility of Auditors in Prevention and Detection of Fraudulent Financial Reporting. // Procedia Economics and Finance 39 (2016) 693 – 700. www.sciencedirect.com*
8. *Marilena Mironiuc, Ioan-Bogdan Robu and Mihaela-Alina Robu. The Fraud Auditing: Empirical Study Concerning the Identification of the Financial Dimensions of Fraud. //IBIMA Publishing Journal of Accounting and Auditing: Research & Practice. http://www.ibimapublishing.com/journals/JAARP/jaarp.html. Vol. 2012 (2012)*
9. *Hamdamov B.Q. Auditning xalqaro standartlari. Darslik. –T.: Iqtisod-moliya, 2020. -288 b.*

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a23

Амиров Аскар Актамович -
ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация. *Мақолада мажбуриятларнинг моҳияти ва уларни ҳаққоний қийматда баҳолаш масалалари тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида мажбуриятлар ҳисобининг муаммолари аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *мажбурият, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот, бухгалтерия баланси, баҳоланадиган мажбуриятлар.*

СУЩНОСТЬ ОБЪЯЗАТЕЛЬСТВ И НАПРАВЛЕНИИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИХ УЧЕТА

Амиров Аскар Актамович -
Соискатель ТГЭУ

Аннотация. *В статье исследовано сущность обязательств и вопросы оценки их по справедливой стоимости. В ходе исследований были рассмотрены проблемы учёта обязательств, а также предложения по устранению этих проблем.*

Ключевые слова: *обязательства, финансовый отчет, международные стандарты финансовой отчетности, отчет о финансовом положении, бухгалтерский баланс, оценочное обязательство.*

ESSENCE OF OBLIGATIONS AND THE DIRECTION OF IMPROVING THEIR ACCOUNTING

Amirov Askar Aktamovich -
Researcher TSUE

Abstract. *The article explores the essence of liabilities and issues of assessing them at fair value. In the course of the research, the problems of accounting for obligations were considered, as well as proposals for eliminating these problems.*

Keywords: *liabilities, financial report, international financial reporting standards, statement of financial position, balance sheet, provisions.*

Кириш. Мамлакатимиз амалиётида кейинги пайтларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни тузиш долзарб масалага айланмоқда. Мазкур жараён акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари ва йирик солиқ тўловчилар амалиётига жорий этилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бухгалтерия ҳисобининг асосий объектларидан ҳисобланган мажбуриятларга оид ахборотларнинг шаффофлиги ва аниқлигини оширишга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда мажбуриятларнинг моҳиятини очиб беришга оид кўплаб қарашлар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 234-моддасида “Мажбурият - фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади”[1], деб таърифланади.

Иқтисодчи олим А.Н.Азрилиян таҳридаги бухгалтерия ҳисобига оид луғатда “Мажбурият кредиторлик қарзини билдиради. У ҳуқуқий томондан – шартнома асосида расмийлаштирилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардир. Иқтисодий томондан – маълум санада келажакда тўланиши зарур бўлган пул маблағлари суммасидир. Аксарият мажбуриятларнинг тўлов ҳажми ва санаси маълум”[2] деган фикрлар келтириб ўтилган.

Хорижлик иқтисодчи олимлар О.Подолианчук, Н.Плахти ва Н.Гудзенко таъкидлашича, “тўловлар ҳолати, қарзни ўз вақтида тўлаш, мажбуриятларни бажаришнинг тўлиқлиги ва сифати корхонанинг ишбилармонлик обрўсини, молиявий барқарорликни тавсифлайди. Шунинг учун компаниянинг мажбуриятлари бор ёки йўқлиги эмас, балки уни самарали бошқаришни қандай амалга ошириш кераклиги муҳимдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, бошқарув тизими учун мажбуриятларни тўғри таснифлаш, уларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга” [3].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Б.Хошимовнинг фикрича, “Субъектнинг мажбуриятлари – бу олдинги амалга оширилган муомалалар натижаси ёки келажакда ўзида мужассамланган иқтисодий нафнинг чиқиб кетиши ёки янги мажбуриятларнинг вужудга келиши билан якунланади” [4].

Д.И.Шаулов ва У.Т.Канлар фикрича, “Мажбуриятлар - ҳисобот йили ёки ундан олдинги даврларда юзага келган, уни сўндириш иқтисодий нафни камайтиришга олиб келиши ҳақидаги ишонч мавжуд бўлган кредиторлик қарзи ёки бошқа ҳил қарздир” [5].

С.Махмудовнинг фикрича, “Мажбурият бир корхонанинг иккинчисига бўлган қарздорлигини кўрсатувчи, уларнинг сўндирилиши эса, қарздор корхонанинг активларини камайтирувчи, олдиндан юз берган хўжалик муомалаларининг натижасидир” [6].

А.Ж.Туйчиевнинг фикрича, “Мажбурият дейилганда хўжалик юритувчи бир субъектнинг бошқа субъектга мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқа ҳаракат натижасида юзага келадиган ҳамда кейинги ўзаро ҳисоблашишларга асос бўлувчи ҳуқуқий муносабатлар тушунилади” [7].

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Ф.Ш.Очилов таъкидлашича, “хўжалик юритувчи субъектларда мажбурият деганда, энг аввало, содир бўлган турли ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган фуқаролик ҳуқуқий муносабатини баҳолаш ва ушбу мажбуриятни бажаришда ўзидаги иқтисодий ресурсларнинг чиқиб кетиши тушунилади” [8].

Юқорида келтириб ўтилган таърифларда турлича ёндашувлар мавжуд. Бироқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш шароитида мажбуриятларнинг моҳияти тўлиқ очиб берилмаган.

Тадқиқот методологияси. Мажбуриятлар ҳисобини ташкил этиш қоидалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш бухгалтерия ҳисобининг илмий-методологик аппаратини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар. Рақамли иқтисодиётга ўтишда бухгалтерия ҳисобини МҲХС талаблари асосида юритиш хўжалик юритувчи субъектларга маълум маънода жавобгарлик ва молиявий ҳисоботларни тузиш ҳамда очиб беришда замонавий талабларни тадқиқ этишга чорлайди ва бу эса қатор мураккабликларни келтириб чиқариб, уларга мослашиш ёки тўлиқ маънода ўзлаштиришни тақозо этади.

Бугунги жаҳон иқтисодиётида мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш ва уларни ишончли баҳолаш, мажбуриятлар бўйича кўрсаткичларни чуқур кўриб чиқиш ва молиявий ҳисоботларда тўлиқ акс эттириш талаблари асосий масалага айланмоқда.

Умуман олганда, МҲХС мажбуриятларни ҳисобга олишда муайян турдаги мажбуриятларни ҳисобга олишга таъсир этади ва бундай халқаро стандартларга қуйидагилар киради:

- БҲХС 12 “Фойда солиғи” – тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган мажбуриятларнинг баланс қиймати келгусида қопланиши (тўланиши) ва тан олинган жорий давр учун муомалалар ва бошқа ҳодисаларни жорий ва келгуси солиқларга бўлган таъсири қай тарзда ҳисобга олинишида қўлланилади;

- БҲХС 19 “Ходимларнинг даромадлари” – ходимларнинг даромадларини ҳисобга олиш ва улар бўйича маълумотларни очиб бериш тартибини белгилашни талаб этади;

- БҲХС 32 “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” – молиявий инструментларни мажбуриятлар ёки капитал сифатида тақдим этиш ҳамда молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тамойилларини белгилаш, молиявий инструментларни эмитент нуқтаи назаридан молиявий активларга, молиявий мажбуриятларга ва улушли инструментларга таснифлаш, тегишли фоиз, дивидендлар, фойда ва зарарларни таснифлаш ҳамда молиявий активлар билан молиявий мажбуриятлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган ҳолатларга нисбатан қўлланилади;

- БҲХС 37 “Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” – резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга нисбатан тўғри тан олиш мезонлари ва баҳолаш асослари қўлланилишини ҳамда фойдаланувчилар ушбу захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларнинг моҳиятини, вақтини ва суммасини тушуниши учун молиявий ҳисоботларга изоҳларда етарлича маълумотлар очиб беришда қўлланилади;

- БҲХС 39 “Молиявий инструментлар: тақдим этиш ва баҳолаш” – тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий инструментларнинг барча турларига нисбатан қўлланилади;

- МҲХС 7 “Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш” – тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига молиявий инструментларнинг таъсири қай даражада эканлиги ва тадбиркорлик субъектида ҳисобот даври мобайнида молиявий инструментлардан юзага келадиган рискларнинг хусусияти ва даражасини ҳамда тадбиркорлик субъекти ушбу рискларни қандай қилиб бошқаришига имкон берадиган маълумотлар тадбиркорлик субъектлари томонидан уларнинг молиявий ҳисоботларида очиб беришда қўлланилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, МҲХСда мажбуриятларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботларни тартибга солувчи қатор халқаро стандартлар мавжуд бўлишига қарамай, фикримизча, халқаро стандартларда мажбуриятларни ҳисобга олиш масалалари тўлиқ якунланмаган деган мулоҳазага келдик.

МҲХСнинг концептуал асослари халқаро стандартларни шакллантиришнинг асосий ҳужжати ҳисобланади ва ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобининг алоҳида мураккаб объекти бўлганлиги сабабли уларни таснифлаш, баҳолаш ва тақдим этиш учун алоҳида ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

МҲХС ва БҲМС ўртасида қатор концептуал фарқлар мавжуд бўлсада, мажбуриятлар ҳисоби бўйича ишончли ахборотларни очиб беришда қуйидагиларга эътибор қаратишимиз зарур (1-расм):



1-расм. Мажбуриятлар ҳисоби бўйича ишончли ахборотларни очиб беришда эътибор қаратиладиган жиҳатлар

Манба: *муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисоби қонунчилик ва миллий стандартларимиз мажбуриятлар билан боғлиқ рискларни тўлиқ ва қамровли ҳисобга олмайди, шунингдек, мажбуриятларнинг ҳолати ва миқдорий тавсифи, уларнинг ўзгариши динамикаси корхонанинг молиявий натижаларига таъсирини таҳлил қилишни талаб этмайди.

Умуман олганда, миллий бухгалтерия ҳисоби амалиётида молиявий мажбуриятларни ҳисобга олиш механизмлари бозор талаблари асосида ҳаққоний ахборотни очиб бериши билан ажралиб туриши лозим.

МҲХСда ишлаб чиқилган молиявий мажбуриятларни ҳисобга олиш усуллари мамлакатимиз бухгалтерия қонунчилигида ҳали акс эттирилмаган ва ушбу муаммоларни бартараф этиш бухгалтерия амалиётида халқаро тажрибага асосланган молиявий мажбуриятларни МҲХСга мувофиқ ҳисобга олиш тизимини жорий этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг амалдаги меъёрлари МҲХС тамойилларини амалда қўллашга имкон беришига қарамай, МҲХС билан таниш бўлган маҳаллий бухгалтерлар бухгалтерия ҳисобининг халқаро қоидаларини амалда қўллаш бўйича зарур кўникмаларга тўлиқ эга эмаслар. Шунингдек, агар молиявий ҳисоботни тайёрлаш корхонанинг молиявий ҳолати, молиявий кўрсаткичлари ва молиявий ҳолатдаги ўзгаришлар тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш учун етарли маълумот бермаса, корхона молиявий ҳисоботида тегишли қўшимча кўрсаткичлар ва тушунтиришларни ўз ичига олиши зарур. Молиявий ҳисоботларга қўшимча кўрсаткичлар ва тушунтиришлар киритиш МҲХСда асосий чора-тадбирлар қаторига киритилган.

МҲХС бўйича мавжуд қоидаларни миллий бухгалтерия ҳисоби амалиётида қўллай олиш ва тегишли халқаро стандартларга мувофиқ миллий стандартларни мослаштириш учун корхоналар томонидан тузилаётган молиявий ҳисоботлар барча манфаатдор томонлар учун бирдай ахборотларни тақдим этиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви бухгалтерия ҳисоби тизимларини конвергенциялаш ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашни тақозо этмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда универсал восита ҳисобланиб, уларнинг қўлланиши натижасида мажбуриятларга оид ахборотларнинг сифати ва ишончлилиги таъминланиб, манфаатдор фойдаланувчиларнинг ахборот имкониятлари ошишига олиб келади.

“Мажбурият” сўзининг луғавий маъносининг замонавий халқаро талабларга мос ва ҳақиқатга яқин талқинини бериш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, фикримизча, “Мажбурият” сўзининг луғавий маъносига таъриф берилганда ҳуқуқий ва иқтисодий томондан ёндашиш мақсадга мувофиқдир, биринчидан, ҳуқуқий жиҳатдан олинганда мажбурият жисмоний ёки юридик шахслар ўртасида тузилган шартнома асосида пайдо бўладиган, бажарилиши шарт бўлган қарз ёки ҳуқуқий муносабатдир, иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан олганда томонлар иқтисодий наф ёки фойда олишга интилишлари натижасида юзага келадиган иқтисодий жараён, деб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартларга мослаштиришда баҳоланадиган мажбуриятларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Мамлакатимиз амалиётида баҳоланадиган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш талабларини ўз ичига қамраб оладиган миллий стандарт мавжуд эмас. Шу боисдан бухгалтерия ҳисобининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида баҳоланадиган мажбуриятларни ҳисобга олиш учун алоҳида миллий стандартни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. www.lex.uz/docs/111189.*
2. *Большой бухгалтерский словарь. / Под ред. А.Н. Азрилияна. –М.: Институт новой экономики, 1999. - 574 с.*
3. *Olena Podolianchuk, Tetiana Plakhtii, Nataliya Gudzenko. Current liabilities and their accounting in the attracted capital management system. //Baltic Journal of Economic Studies 5(3):159, August 2019.*
4. *Хошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 2004. -320 б.*
5. *Шаулов Д.И., Кан У.Т. Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2001, 344-бет.*
6. *Махмудов С. Акциядорлик жамиятларида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқт.фан.ном. дис. ...автореф. – Т., 2006. -22 б.*
7. *Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. и.ф.д., дис. – Т., 2011. - 29 б.*
8. *Очилов Ф.Ш. Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. -56 б.*